



“TASDIQLAYMAN”
Xarid komissiyasi raisi
Maktabgacha ta’lim vaziri o‘rinbosari

N. Muslitdinov

« _____ » _____ **2022 y.**

NODAVLAT MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARI
FAOLIYATINI BOSHQARISH BO'YICHA AXBOROT TIZIMINI
ISHLAB CHIQISHGA QO'YILADIGAN

TEXNIK TALABLAR

III. TANLASH ISHTIROKCHISIGA QO'YILADIGAN TALABLAR

1. Axborot tizimini ishlab chiqish (ishlarni bajarish) uchun ajratiladigan xodimlar bo'yicha

Texnik talabga binoan xizmat ko'rsatish va dasturiy-apparat tizimlarini ishlab chiqishda bo'lgan ehtiyojga muvofiq talab etilgan minimal mutaxassislar:

<i>N^o</i>	<i>Mutaxassis</i>	<i>Soni</i>
1.	<i>Loyihalar bo'yicha menejer</i>	1
2.	<i>Dasturchi (frontend, backend)</i>	2
3.	<i>Mobil dasturchi</i>	1
4.	<i>Axborot xavfsizligi bo'yicha</i>	1

2. Axborot tizimi bo'yicha

Tanlash ishtirokchisi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 21-maydagi PQ-4328-son Qarori bilan tasdiqlangan shaklga muvofiq loyiha pasportini ishlab chiqadi.

1. Умумий маълумотлар

1.1. Тизимнинг тўлиқ номи ва унинг шартли белгиланиши

Тизимнинг тўлиқ номи: Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини бошқариш тизими.

Тизимнинг шартли белгиланиши: “НМТТ” ахборот тизими.

1.2. Тизимни ишлаб чиқиш учун асос

- Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни (2003 йил 11 декабрдаги № 560-II-сонли);
 - Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонуни (2003 йил 11 декабрдаги № 562-II-сонли);
 - Ўзбекистон Республикасининг «Электрон хужжат айланиши тўғрисида»ги Қонуни (2004 йил 29 апрелдаги № 611-II-сонли);
 - Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни (2004 йил 29 апрелдаги № 613-II-сонли);
 - Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонуни (2005 йил 16 декабрдаги № ЎРҚ-13-сонли);
 - Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуни (2014 йил 5 майдаги № 369 сонли);
 - Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни (2012 йил 26 апрелдаги № ЎРҚ-327-сонли);
 - Ўзбекистон Республикасининг «Электрон Ҳукумат тўғрисида»ги Қонуни (2015 йил 09 декабрдаги № ЎРҚ-395-сонли);
 - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги «Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3651-сонли Қарори;
 - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июндаги «Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5144-сонли Қарори;
 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июлдаги «Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти бўйича рухсатнома бериш тартиби тўғрисида низомларни тасдиқлаш ҳақида» ги 595-сонли Қарори
 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 378-сонли Қарори
- Ахборот тизимини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бошқа қонун ва қонуности хужжатларига ҳам асосланилиши мумкин.

2. Тизимнинг вазифаси ва яратиш (ривожлантириш) мақсадлари

Ахборот тизими давлат-хусусий шериклик лойихаси доирасида ташкил этиладиган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ривожлантиради ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш жараёнини рақамлаштиради.

Шунингдек, Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини замонавий рақамли технологиялар ёрдамида соддалаштириш, мактабгача таълим ташкилотларига Давлат бюджетидан субсидия ажратиш механизми автоматлаштиради.

Тизимни яратиш ва жорий қилишдан асосий мақсадлар:

- Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш учун аризаларни (мурожаатни) ахборот тизими орқали электрон қабул қилиш имкониятини яратиш;
- Мурожаатчига Санитария-эпидемиология назоратига мавжуд бинолар ва хоналарнинг гигиена қоидалари, нормалари ва нормативларига мослиги ҳақидаги ҳамда Ёнғин хавфсизлиги органига мавжуд бинолар ва хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мослиги тўғрисидаги хулосаларни онлайн тарзда бериши/қабул қилиши имконини яратиш.
- Давлат-хусусий шериклик тўғрисида тузилган битимларнинг ягона реестрини юритиш;
- Нодавлат мактабгача таълим ташкилотига болаларни электрон қабул қилиш ва рўйхатдан чиқариш имконини яратиш;
- Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти билан ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабатлар яъни шартномаларни электрон шаклини яратиш;
- Ота-оналар билан тузилган шартномага асосан болаларнинг ушбу ташкилотда бўлиш вақтини кузатиб бориш имконини яратиш;
- Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ходимлари ва тарбияланувчиларини электрон давоматини юритиш;
- Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти билан тузилган шартномага мувофиқ ота-оналар бадал пулини ҳисобини юритиш;
- Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти томонидан ҳар чоракда фаолияти тўғрисидаги тақдим қилинадиган ҳисоботларни шакллантириш имконини яратиш;
- Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари иш унумдорлиги яхшилаш, ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда иш юритишдаги вақти ва сарф-харажатларни қисқартиришдан иборат.

3. Тизимнинг таркибий қисмлари (модуллари)

3.1. Фойдали ахборотлар портали

Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари таълим фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва яратилаётган имкониятларни ёритиб бориш.

Хусусан,

- янгиликлар;
- тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- илғор педагогик ва муаллифлик дастурлари, методик қўлланмалар ва дидактик материаллар;
- тавсиявий кўрсатмалар;
- фойдали маслаҳатлар;
- сўровномалар;
- видео йўриқномалар;
- статистик кўрсаткичлардан фойдаланиш имкониятини яратиш.

3.2. Электрон шаклда ариза бериш

Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти шаклидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун хусусий шерик давлат шеригига ариза билан мурожаат қилади. Бунда,

- гувоҳномасини автоматик аниқлаш;
- бино хоналаридан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни мавжудлигини автоматик аниқлаш;
- ариза берувчининг телефон рақамини SMS код билан тасдиқлатиб олиш;
- аризани электрон ҳужжат шаклида тайёрлаш ва имзолаш.

Электрон тизим орқали нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил этиш мақсадида имзоланадиган давлат-хусусий шериклик битимини имзолаш схемаси иловада берилган.

3.3. Аризаларни кўриб чиқиш

Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини ташкил этиш бўйича аризаларни белгиланган муддатда кўриб чиқиш жараёнида иштирок этадиган давлат идоралари масъул ходимларининг иш унумдорлиги ошириш ҳамда тизимдан фойдаланган ҳолда иш юритишдаги вақти ва сарф-харажатларни қисқартиришда қуйидаги имкониятларни яратиш талаб этилади.

Жумладан,

- аризаларни рўйхатини шакллантириш;
- аризани кўриб чиқиш муддатларини автоматик белгилаш;
- ёнги нazorати органларининг мавжуд бинолар ва хоналарнинг ёнги хавфсизлиги талабларига мослиги ҳақидаги хулосаси ва санитария-эпидемиология назоратининг мавжуд бинолар ва хоналарнинг гигиена

қоидалари, нормалари ва нормативларига мослиги ҳақидаги хулосаларни электрон ҳужжат шаклида тайёрлаш;

- нодавлат мактабгача таълим ташкилотига тарбиявий-таълим фаолиятини олиб борадиган педагогика ходими олий ёки ўрта махсус педагогик маълумотига эга эканлигини текшириш;
- Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ташкил этилаётган МФЙда 3-7 ёшдаги болалар сони, у МФЙдаги мавжуд МТТлар, қамралган ва қамралмаган болалар сони бўйича маълумотни автоматик шакллантириш;
- аризани ўрганиш бўйича маълумотларни умумлаштириш;
- кўриб чиқиш натижаси бўйича ариза берувчига тезкор хабар бериш;
- ўрганиш натижалари бўйича лойиҳани амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида электрон битим ёки рад этиш тўғрисида хулоса электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо ёрдамида расмийлаштириш.

3.4. Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ходимлари ва тарбияланувчиларининг ҳисобини юритиш

Нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг педогогик ва ёрдамчи ходимлар рўйхатини шакллантириш ва улар билан меҳнат шартномаларини электрон шаклини яратиш. Шунингдек, нодавлат мактабгача таълим ташкилотига қабул қилинган тарбияланувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан шартномаларни электрон шаклини яратиш ва бошқа маълумотларни умумлаштириш ҳамда таълим гуруҳларини ташкил этиш.

Бунда,

- ходимларнинг ҳамда тарбияланувчиларнинг шахсий маълумотларини автоматик аниқлаш;
- ходимлар ва тарбияланувчиларнинг ота-оналари билан шартномаларни электрон шаклини яратиш (электрон шаклда расмийлаштириш чорасини кўриш);
- мактабгача таълим ташкилотлари ходимларнинг ёки тарбияланувчиларнинг маълумотларини бир вақтнинг ўзида бошқа ташкилотларда такрорланиб қолишини олидини олиш;
- ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган оилалар фарзандларини автоматик аниқлаш, рўйхатини шакллантириш ва уларга белгиланган тартибда имтиёزلарни белгилаш.

3.5. Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ходимлари ва тарбияланувчиларининг давоматини юритиш

Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ходимлари ва тарбияланувчиларининг кунлик давомтини юритиш ва бу орқали ходимлар ва тарбияланувчиларнинг ҳисобот даврида таълим ташкилотига қатнаган кунлари (соатлари) тўғрисидаги ҳисоботларни автоматик шакллантириш имконини яратиш лозим.

Хусусан,

- ходимлар ва тарбияланувчиларнинг давоматини **биометрик идентификациялаш** (масалан, FaceID – фотосурати, бармоқ излари) орқали шакллантириш;
- мактабгача таълим ташкилоти ва ота-оналар ўртасида маълумот алмашинувини йўлга қўйиш;
- кунлик юритилган давомат асосида ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларни шакллантириш ҳамда тегишли ташкилот ва идораларга электрон тақдим қилиш имконини яратиш.

Ҳар ойнинг охири кунда ходим ва тарбияланувчиларнинг нодавлат мактабгача таълим ташкилотига қатнов ҳисоби табелини шакллантиради.

3.6. Ташкилотнинг моддий-техник таъминоти ҳисобини электрон юритиш

Нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг моддий-техник базаси ҳисобини юритиш имкониятини яратиш.

Бунда,

- нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ўзига бириктирилган мол-мулкни ва ажратилган маблағлар ҳисобига сотиб олинган мол-мулкнинг ҳисобини юритиш;
- нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолиятига талаб этиладиган жихозлар ва ўқув материаллар учун буюртманомаларни электрон тайёрлаш;
- нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолиятига белгиланган нормативлар бўйича овқатланиш, юмшоқ инвентарь ва дори воситалари учун буюртманомаларни электрон тайёрлаш ва бошқалар.

3.7. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотига озиқ-овқат харажатлари ҳисобини юритиш

Тизим ҳар куни нодавлат мактабгача таълим ташкилотга келган болалар сони ва Ягона мавсумий таомномада келтирилган озиқ-овқат маҳсулотлари меъёрларини ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларининг умумий сарфини (маҳсулотлар тури бўйича) ҳисоблаб чиқиши лозим.

Хусусан,

- кунлик юритилган давомат асосида озиқ-овқат маҳсулотларининг умумий сарфини кунлик, ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларни шакллантириш ҳамда тегишли ташкилот ва идораларга электрон тақдим қилиш имконини яратиш.

Ҳар ойнинг охири кунда озиқ-овқат маҳсулотларининг умумий сарфи (маҳсулотлар тури бўйича) ҳақидаги маълумотларни шакллантиради.

4. Давлат органлари билан ҳамкорлик

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази:

- Шахсга доир маълумотлар базасидан фойдаланиш
- Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома маълумотлари

2. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги:

- «Аёллар дафатари»га киритилган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги:

- «Темир дафтар» га киритилган оилалар тўғрисидаги маълумотлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги:

- Туғилиш, ўлим, никоҳни қайд этиш ва никоҳдан ажралганлик тўғрисидаги маълумотлар.
- ДХШ асосидаги ташкилотлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома маълумотлари.
- ДХШ асосидаги ташкилотлар лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар қабул қилинганлиги тўғрисида тасдиқнома мавжудлиги бўйича маълумотлар

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги:

- Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари таълим фаолиятини юритиш учун аризада кўрсатилган бино ва иншоотлар тўғрисидаги маълумотлар.

6. Давлат статистика қўмитаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги:

- Вилоятлар, шаҳар (туман)лар ва маҳалла кесимида 0-7 ёшдаги болалар сони.

7. Молия вазирлиги, Пенсия жамғармаси:

- I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида маълумотлар.

- Кам таъминланган оила ёки оила аъзоси сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумотлар

8. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

- Жисмоний шахсларнинг бандлиги тўғрисида маълумотлар.

9. Ўзархив агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

- Олий ва ўрта махсус таълим муассасасида ўқиганликни тасдиқловчи архив маълумотномаси.

10. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги:

- Электр энергия ва табиий газ таъминот корхоналарининг ахборот тизимларидаги хар ойлик маълумотлар.

Ахборот тизимини ишлаб чиқиш жараёнида юзага келган эҳтиёж ва мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда бошқа маълумотларни давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш йўли орқали электрон ўзаро ахборот алмашинуви йўлга қўйилади.

5. Тизимга қўйиладиган талаблар

Ишлаб чиқиладиган ахборот тизими:

- техник талаб асосида ишлаб чиқиладиган техник топширикда кўзда тутилган барча вазифаларни бажариши;
- буюртмачининг эҳтиёжларига кўра тизимга киритиладиган ўзгаришларга тез ва осон мослашувчан бўлиши, шу билан тизимни сақлаш ва техник қўллаб-қувватлаш харажатларининг камайишига ҳам эришилиши;
- келажакда тизимнинг функционал имкониятлари кўпайтирилиб, тизим такомиллаштириб борилиши мумкинлиги кўзда тутилган бўлиши;
- умумий маълумотлар базаси билан ишлайдиган бир қанча алоҳида модуллар шаклида яратилиб, ҳар бир модулни алоҳида такомиллаштириш ёки қўшимча модуллар қўшиш имконияти кўзда тутилган бўлиши;
- келажакда бошқа ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши мумкинлиги кўзда тутилган бўлиши;
- техник воситалар ва малакали техник хизмат кўрсатишни оптимал даражада талаб қилиши;
- фойдаланувчилар учун қулай интерфейсга эга бўлиши ва оммабоп дастурий воситалар интерфейсларига ўхшаш бўлиши;
- маълумотларнинг ишончли сақланишини таъминлаши;
- таълим ташкилотлари ҳақида батафсил маълумот берувчи интерактив харитига (геопортал) эга бўлиши.
- маълумотларнинг қулай ва тушунарли кўринишларда акс эттирилишини таъминлаши лозим.

Ахборот тизими учун керакли маълумотнома ва классификаторлар «Электрон ҳукуматнинг маълумотномалар ва классификаторлар регистри» ахборот тизимида юритилади.

Ахборот тизимидан фойдаланувчилар идоралараро электрон ҳамкорлик доирасида жўнатиладиган, қабул қилинадиган ҳужжат ва маълумотларнинг белгиланган тартибда сақлаши ва ҳимоясини таъминлаши шарт.


Ахборот тизимида фойдаланилган маълумотларни талаб этилган шаклда кунлик, ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларни шакллантириш ҳамда тегишли ташкилот ва идораларга электрон тақдим қилиш (ташкилот ва идоралардан қабул қилиш) имкони мавжуд бўлиши шарт.

Идоралараро электрон ҳамкорлик орқали маълум бўлган маълумотларни, жисмоний шахснинг шахсий ҳаёти, юридик шахснинг фаолиятига доир маълумотларни, уларнинг ёзма розилигисиз, шунингдек, қонун ҳимоясидаги бошқа сир ва маълумотларни ошкор этишга йўл қўймаслиги лозим.

6. Танловда иштирок этувчи корхоналарга қўйиладиган талаблар

1. Мазкур лойиҳага турдош тизимларни ишлаб чиқиш бўйича камида 5 йиллик амалий тажрибага эга бўлиши.
2. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан ишлаш тажрибаси эга бўлиши, лойиҳанинг номи ва ишнинг сифатли бажарилганини тасдиқлаши мумкин бўлган маълумот тақдим қилиши.
3. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш тажрибасига эга бўлиши, шу жумладан, Технологик йўриқномаларни мустақил ишлаб чиқа олиши.
4. Мазкур Техник талаблар асосида тизимнинг Техник топшириқномасини ишлаб чиқиш ва Буютмачи ҳамда ўрнатилган тартибда бошқа ташкилотлар билан келишиш.
5. Техник талаблар асосида тизимнинг Техник топшириқномасини ва ахборот тизимининг дастлабки ишчи нусхасини (MVP) белгиланган муддатда ишлаб чиқиб фойдаланишга топшириши, тизимнинг барқарор ишлашини ва доимий такомиллаштириб борилиши таъминлаши лозим.

Электрон тизим орқали оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил этиш мақсадида имзоланадиган давлат-хусусий шериклик битимини имзолаш бўйича
СХЕМА



Қисқартмалар:

ОНМТТ-оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти

ДХА – Давлат хизматлари агентлиги

МФЙ – Маҳалла фуқаролар йиғини

МТТ – мактабгача таълим ташкилоти

ЯТТ – яқка тартибдаги тадбиркор